

» ФАОЛИЯТ

Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масалалардан бирига айланди. Бу эса ўз навбатида илмий тадқиқот институтлари зиммасига озуқа ишлаб чиқаришда илғор технологияларни кашф этиш ҳамда серҳосил навлар яратиш вазифасини юклади. Бугун юртимизда бу йўналишда кўплаб муассасалар фаолият юритмоқда. Шулардан бири Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтидир.

Ҳ.Ҳасановнинг айтишича, институт томонидан ноанъанавий экинларни кўпайтириш ва ундан фойдаланиш бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, стева ўсимлигини олайлик. У қандли диабет касаллигида ўта фойдали. Таркибда углевод моддаси йўқ. Лекин шакардан 300 маротаба ширин. Уни қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўллаша бўлади. Айни дамда фарманоат корхоналари бундан унумли фойдаланмоқда. Ноанъанавий ўсимлик-

— Биз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва янги истиқболли навларни яратиш борасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқдамиз. Айниқса, юртингизда галлачилик ва пахтачиликнинг юқори ҳосилдорлигини сақлаган ҳолда интенсив боғларни барпо этишга катта эътибор қаратилгани айни мудида бўлаётир. Чунки бу йўналишда бизда катта тажриба тўпланган. Ҳамкорларимиз билан турли экинлар бўйича таж-

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда наркобизнесга қарши курашиш давомида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситаларининг навбатдаги тўпламини йўқ қилиш тадбири бўлиб ўтди. Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш куни муносабати билан ҳамда гиёҳвандликка қарши курашиш ойолиги доирасида ўтказилган тадбирда 1 тонна 438 килограмм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.

лар, 1,4 мингдан ортиқ психотроп таблетка ва бошқа нарковоситалар олинди, мусодара қилинган. “Қора дори — 2015” операциясининг кенг қамровли тадбири давомида 0,51 гектар майдонда таркибда наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экилганлиги аниқланган. 0,21 гектар майдонда ёввойи наشا ўсимлиги йўқ қилинган. Ички ишлар вазирлиги томонидан 5 мингдан ортиқ наркожиноят аниқланиб, қарийб 1 тонна 60 килограмм наркотик воситалар мусодара қилинган. Миллий хавфсизлик хизмати томонидан 407 наркожиноят аниқланиб, 1 тонна 95,6 килограмм наркотик воситалар мусодара қилинган. Давлат божхона кўмитаси томонидан наркотик ва психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 425 ҳолат аниқланган. Натигада 435,4 килограмм наркотик ва бошқа психотроп таблеткалар мусодара қилинган. Бош прокуратура томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари тергов олиб борган наркотик воситалари билан боғлиқ 4 минг 573 жиноят иши назорат тариқасида ўрганилган. Судлар томонидан 4 минг 578 шахсга нисбатан наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласига оид жиноят ишлари кўриб чиқилган. Наркология соҳаси мутахассислари томонидан аҳолининг турли қатламлари орасида кўплаб маъруза, семинарлар ўтказилгани, оммавий ахборот воситаларини мунтазам чиқишлар қилинаётгани гиёҳвандликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

43 минг нав, минг неъмат, минг мўъжиза



1924 йилда асос солинган институт базасида 100 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги экинларининг 43 мингдан зиёд намуналари сақланмоқда. Улардан уч мингдан ортиғи мева ва узум навларидир. Илм даргоҳининг асосий мақсади йўқолиб кетиш хавфи остида турган навларни аслича сақлаш, улардан истиқболли навларни кўпайтириш ҳамда селекция ишларида унумли фойдаланиш, яратилаётган янгиликларнинг самардорлигини ошириш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишдир.

Институтда сабзавот, полиз, резавор ва ноанъанавий экинлар ҳамда меваларнинг янги навларини яратиш, хориждан янги навларни олиб келиб кўпайтириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу ҳақда муассаса илмий ходими Ҳамидулла Ҳасанов куйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги кунда полиз ва меваларнинг тезишар, бозорғир ва саноатбоп навларига талаб юқори. Бироқ азалдан юртимизда сақланиб келинаётган бир-биридан мазали навлар йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Шунинг учун олимларимиз республикамиз бўйлаб барча фойдали ўсимликларнинг навларини йиғиб, институт коллекциясида сақлайди. Келгусида улардан янги навлар яратилади. Йиллар ўтиб, бу навларга эҳтиёж янада ортиши мумкин. Бунда мазкур коллекция иш беради. Агар бу жараёни қовун мисолида оладиган бўлсак, бугунги кунда унинг институтимизда 300 дан ортиқ нави бор. Лекин, эътибор берсак, бозорларимизда 3-4 хил қовун сотилади, холос. Бир пайтлар ота-боболаримиз экиб келган бўриқалла, хўжабилмас, кўк-калаваш каби қовунларни учратмаймиз. Вақти келиб, уларга яна талаб бўлиши тайин.

Озиқ-овқат экинларининг янги навларини яратишга жиддий эътибор қаратаймиз. Масалан, мошнинг серҳосил нави яратилди. Мош ётиб ўсувчи ўсимлик бўлгани учун у тўлиқ қўл меҳнатини талаб қилади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчиларимиз унинг ҳар томонлама қўлай ҳамда сердаромад бўлган 4 та янги навини яратишди. Бу жараёнда хориждан келтирилган навлар иш берди. Уларнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, поясининг баландлиги 70-80 сантиметр бўлиб, бу агротехник тадбир

ўтказишда жуда қўлай. Ҳосил эса оддий мошларникига ўхшаб пишгандан сўнг очилиб кетмайди. Уни комбайнда йиғштириб олиш имконияти бор. Унинг 70-90 кунда пишадиган навлари бўлиб, бугдой ўримида сўнг ҳам эҳса бўлади. Бир гектар ерга 10 килограммгача уруғ сеипиб, 30 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Айни пайтда юртимизда ўсимлик ёғини янада кўпроқ эса оддий мошларникига ўхшаб пишгандан сўнг очилиб кетмайди. Уни комбайнда йиғштириб олиш имконияти бор. Унинг 70-90 кунда пишадиган навлари бўлиб, бугдой ўримида сўнг ҳам эҳса бўлади. Бир гектар ерга 10 килограммгача уруғ сеипиб, 30 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Кейинги йилларда барча ўсимликларда турли касалликлар чалиниш ҳолатлари кузатилаётганлиги маълум бўлди. Масалан, айни пишқичлик даврида помидор фузариос касаллигига учрайди. Бунинг ечимини топиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда помидорнинг 500 дан ортиқ навлари келтирилди. Улар турли тажрибалар орқали ўрганилиб, янги 4 та касалликка бардошли навлар яратилди. Уларни кўпайтириш ва аҳолига тақдим этиш ишлари олиб борилмоқда.

лардан яна бири Тафикамбири ўсимлигидир. Унинг алоҳида хусусиятлари шундаки, илди тугунчаларида иони моддаси кўп, касалликларга дармон ҳисобланади. Ҳозир бу ўсимликнинг *файз барак* ва *мўъжиза* номи икки тури райолаштирилиб, кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда. Унинг пояси чорва моллари учун фойдали, тана қисмини қоғоз ишлаб чиқаришда қўллаша бўлади. Тажрибалар шунини кўрсатдики, бу ўсимликдан тайёрланаётган қоғозлар дарахтдан олинганидан тезроқ тайёр бўлади. Яъни техник жараён армияга қисқаради ва нисбатан сифатли ҳам дейишимиз мумкин.

Бугунги кунда институт ИКАРДА, АЦИРО, ИПИГРИ, СИММИТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шулардан бири Кореянинг КОРУ Uzbekistan маркази бўлиб, улар билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда марказ директори доктор Ан Хи Сунг шундай дейди:

Сўзимиз якунида институтга тегишли бир ажойиб воқеани келтиришни маъқул топдик. Ўтган йили институт билан танишиш мақсадида франциялик олимлар ташриф буюрибди. Улар муассасада 1600 дан ортиқ узум навлари борлигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашибди. Шундан сўнг улар қадимий, айни дамда ўзларида сақланиб қолмаган Альфонс Лавалье навини сўрашибди. Бу нав ҳам институтда сақланаётган экан. Қарашсаки, узум пишиб етилган. Бунини кўриб, кўзлариде ёш қалқибди. Маълум бўлишича, бу нав бир пайтлар француз узум саноатининг оёққа туришига сабаб бўлган экан.

риба алмашиб, кераки тавсияларни беришимиз.

Институт генофондида Франция, Италия, Германия, АКШ, Австрия, Грузия, Молдова, Озарбайжон ва бошқа кўплаб хорижий давлатлардан келтирилган 1600 дан ортиқ узум навларидан иборат жаҳон коллекцияси бўлиб, институт олимлари мавжуд навларнинг биологик хусусиятлари, ҳосилдорлиги, маҳаллий шароитга мослашувчанлиги ва бошқа хусусиятларини ўрганиб, улар орасидан қимматли хўжалик белгилари билан бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган навларини аниқлашди. Шунингдек, “Ўзумвиноаноат” холдинг компаниясининг буюртмасига биноан ички ва ташқи бозорлар талабидан келиб чиқиб жаҳон коллекциясида 36 та маҳаллий ва хорижий навларни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш учун майдонлар ташкил қилиш буюртмаси берилди. Бу институтнинг салоҳияти янада ортиқ бораётганидан далолат беради.

— Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Ашита Миттал. — Айниқса, соғлом турмуш тарзини қарор топтирашга қаратилган профилактик ишлар аҳолини гиёҳвандлик офатидан ҳимоя қилаётгани эътиборга лойиқ. Бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилётганимиздан ва самарали натижаларга эришяётганимиздан мамнунмиз. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2015 йилда Афғонистонда кўкнори етиштирилган майдонлар 183 минг гектарни, ишлаб чиқарилган опий миқдори 3300 тоннани ташкил этган. Бу мамлакатда нарковазият мураккаблантила қолмоқда.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
“Hurriyat” мухбири

» БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Анчадан бери чет давлатда яшайман. Айтиш-чи, шу ердаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари орқали мол-мулкнинг бошқа бировга тасарруф этиш тўғрисида ишончномани расмийлаштиришим мумкинми?

Умуман, чет давлатлардаги Ўзбекистон консуллик муассасалари қандай нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга? Корея Республикасидан Акмал Шермухаммедов

фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди; фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди; ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди; мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради; меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради; эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради; ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрисидаги шаҳодатлайди; ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқий эканлигини шаҳодатлайди; пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади; сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади. Шунингдек, Ўзбекистон республикаси консуллик муассасаларининг консуллари давлатимизда амалда бўлган қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Саволга Зағнота тумани 7- ДНИ нотариуси Дилфуза НОСИРОВА жавоб берди.

Турмуш ўртоғим билан шартли никоҳ асосида турмуш кўраётимиз. Беш-олти ой аввал у билан ажралдик. Яқинда она бўлиб, Расий никоҳдан ўтказганимиз сабабли, соғиқ турмуш ўртоғим фарзандини тан олишни истамаяпти. Итимиқ, оталикни белгилаш тартиблари ҳақида маълумот берадими?

Тошкент шаҳридан Заммира Давлатова

Амалдаги қонунчилигимизда оталикни тан олиш масаласи ўз ечимини топган. Бундай ҳолатларда, оталикни белгилашнинг икки шакли, ихтиёрли ва мажбурий тарзи мавжуд. Одатда, оталикни тан олишнинг ихтиёрли шакли биргаликда ариза бериш орқали фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идорасида амалга оширилади. Оталикни белгилашнинг мажбурий шакли жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш орқали ҳал бўлади.

Жавобгарнинг боланинг онаси билан бирга яшагани, умумий рўзғор юритгани, болани биргаликда тарбиялагани ва таъминлаб тургани ва никоҳ, оталикни тан олгани аниқ тасдиқловчи далиллар оталикни белгилаш предмети бўла олади.

Оталикни суддан ташқари тан олиш куйидаги шакллarda намоён бўлиши мумкин:

- а) жавобгарнинг оғзаки гапларида;
- б) турли ҳужжатларни тўдиришда;
- в) даъвогарга тақдим этилган ёзма ва ашёвий далилларда;

д) даъвогарга тақдим этилган ашёвий далилларда. Алоҳида тартибда оталикни белгилашда эса фарз қилинган отанинг ўлими унинг боласига нисбатан оталикни белгилашда бир мунча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун суд оталикни белгилашда асос бўлувчи фактларни у ҳаётлигида тан олган бўлиши кераклигини текширади ва баҳолайди.

Фактни тан олишнинг аҳамияти шундаки, у иш бўйича исботлаш процессини енгилаштирилади, ҳақиқатга элтувчи ишончли далил сифатида эътироф этилади. Шунингдек, оталикни тан олиш — никоҳсиз туғилган боланинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш кафолатларидан биридир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, турмуш қонуний никоҳ асосида қуриلسа, ҳаётда қутилиши мумкин бўлган бу каби муаммоларнинг олди оли-нади.

Саволга Шайхонтоҳур тумани ФХД бўлими мудири Озода АБДУАЗИЗОВА жавоб берди.

